



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi | facebook.com/uzbekistonovozi | instagram.com/uzbekiston_ovozi | www.uzbovozi.uz | info@uzbovozi.uz



Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги байрами тантаналарига ҳозирлик кўрилатган бугунги шукўҳли кунларда халқимизнинг озод ва эркин ҳаёт сари босиб ўтган шарафли йўли — миллий қадриятларимиз, давлатчилигимиз эътирофи, эл-юртимиз тинчлиги, фаровонлиги, Янги Ўзбекистонимиз ободлиги сари ташланган салмоқли қадамлар юртимизда ҳам, дунё ҳамжамиятида ҳам юксак ифтихор билан эътироф этилмоқда.

Ўтган 35 йил давомида, айниқса, сўнгги ўн йилликда Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий соҳаларда улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Янги шаҳар ва қишлоқлар бунёд этилди, илм-фан, таълим, маданият ва тадбиркорлик соҳалари кенг ривожланди. Нафақат шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси янгиланди, балки ҳамюртларимизнинг ҳаёти, орзу-истакларида ҳам улкан янгиланишларга гувоҳ бўлиб турибмиз.

"Ягона ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!" шiori билан бошланаётган байрам тантаналари кувончи халқимизнинг бахтиёр қиёфасида, нурунийларимизнинг нури сиймоларида акс этмоқда, дилларимиз, тилларимизда шукроналар бўлиб ифодаланмоқда.

ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!

ИШТИЁҚ БИЛАН ЯШАМОҚ ДАВРИ КЕЛДИ



Инсон қадрини улуғлаш тамойили асосидаги ижтимоий ислохотлар натижасида давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари билан ёши улўғ инсонларга ҳам муносиб иззат-икром кўрсатиш, эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган ва ўзгалар

кўмагига муҳтож кекса авлод вакиллари ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатликларини сақлаш ва ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун муносиб шарт-шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Давлат раҳбарининг 2022 йил 15 мартдаги "Нурунийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2023 йил 11 мартдаги "Кекса авлод вакиллари ҳар томонлама

қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ва соҳага йўналтирилган 10 дан ортқ ҳужжатлар кексаларимизнинг кундалик ҳаёти ва турмуши мазмунли бўлишини таъминлашга қаратилган мақсадли тадбирларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

1996 йилда ташкил этилган "Нуруний" жамғармаси дастлаб фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари билан шуғулланган бўлса, 2016 йилдан нурунийларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини тубдан оширишга қаратилган амалий ишлар бошланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан кекса авлод вакиллари ижтимоий жамият ҳаётидаги ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилдики, бу нурунийларга жуда катта кувонч, ғайрат ва қанот бағишлади. Мазкур фармондан сўнг мамлакатимизда кекса авлод вакиллари бўлган ғамхўрлик мутлақо янги босқичга кўтарилди.

► (Давоми 3-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА

ИСЛОХОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҚКАМЛАНМОҚДА

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва қонунчиликни такомиллаштиришга доир қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Дастлаб мажлисда мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий мақомини янада мустақкамлаш, уларни ва оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган муҳим қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди. Депутатлар томонидан «Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.



► (Давоми 2-бетда)

САРҲИСОБ

"Депутат маҳаллада" – МУЛОҚОТ ВА ИШОНЧ МАЙДОНИ

Одамларнинг турмуш тарзи, эҳтиёж ва муаммоларини кабинетда ўтириб эмас, балки улар яшайдиган муҳитда ўрганишнинг афзалликлари жуда кўп. Чунки маҳаллага бориб, аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиш орқали ҳақиқий ҳолатни кўриш, одамларни қийнаётган масалаларни бевосита эшитиш ва уларнинг кайфиятини ҳис этиш мумкин бўлади. Бу эса муаммоларга расмий ҳисоботлар ёки рақамлар орқали эмас, балки инсонлар тақдирини ва кундалик ҳаёти нуқтаи назаридан ёндашиш имконини беради.

► (Давоми 4-бетда)

"ЁШЛАР ОЙЛИГИ" ДАВОМ ЭТМОҚДА

"ТАШАББУСЛАР МАРАФОНИ": улкан имкониятлардан юксак муваффақият сари



6

БУ ДОЛЗАРБ!

ШИФОКОР ҚАБУЛИ ЭМАС, ИЖТимоий ТАРМОҚ АФЗАЛМИ?

Facebook тармоғида жамоатчилигимиз фаолларидан бири ёзди:

- «Наҳорда оч қоринга бир истикон илиқ сув ичсангиз...»
- "Наҳорда оч қоринга бир қошиқ асал яласангиз..."
- "Наҳорда оч қоринга бир дона кўк олма есангиз..."
- "Наҳорда оч қоринга бир дона қайнатиб пиширилган тухум есангиз..."
- "Наҳорда оч қоринга икки дона хом тухум ютсангиз..."
- "Наҳорда оч қоринга бир истикон сабзи шарбати ичсангиз..."
- "Наҳорда оч қоринга бир истикон қизил лавлаги шарбати ичсангиз..."

7

ГАЗЕТАМИЗДАГИ ТАНҚИДДАН СЎНГ

БУНЁДКОРЛИКЛАР БАРДАВОМ БЎЛМОҚДА



8

ПАРЛАМЕНТДА

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)



Қонун лойиҳасида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим кафолатлар назарда тутилмоқда.

Хусусан, ҳарбий хизматчиларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, уй-жой билан таъминлаш, мажбурий давлат сугуртаси ва пенсия таъминоти, шунингдек, хизмат вазифасини бажариш чоғида жароҳат олган ёки ҳалок бўлган тақдирда компенсация тўловларини амалга ошириш каби механизмлар қонун даражасида мустаҳкамланмоқда.

Шу билан бирга, уларнинг оила аъзоларига тиббий хизматдан фойдаланиш, фарзандларини таълим ва дам олиш муассасаларига жойлаштириш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари белгиляпти.

Мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинганидан сўнг Халқаро ишлар, муҳофаза ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан уни иккинчи ўқишга тайёрлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар, соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти натижалари аҳолига ўрганилди.

Биринчи ўқишда депутатлар томонидан ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга оид айрим нормаларни аниқлаштириш, ижтимоий кафолатларни кучайтириш, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мазмунини янада равшан ифодалаш, қонун нормаларини амалиётда қўллашда юзага келиши мумкин бўлган турлича талқинларни бартараф этиш ҳамда қонуннинг тўғридан-тўғри амал қилиш механизмларини яхшилашга қаратилган таклифлар билдирилган эди.

Мазкур таклифлар қўмита ва ишчи гуруҳ йиғилишларида ҳар томонлама муҳокама қилиниб, уларнинг аксарияти қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида инобатга олинди. Натижада лойиҳанинг бир қатор нормалари таҳририй ва юридик-техник жиҳатдан қайта ишланди. Айрим қоидаларнинг мазмунини аниқлаштирилиб, ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун қўлай бўлган ҳуқуқий механизмлар шакллантирилди.

Шунингдек, лойиҳадаги нормаларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш, ҳуқуқий бўшлиқлар ва турлича талқин қилиниши мумкин бўлган ҳолатларни бартараф этиш, қонуннинг ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги самардорлигини ошириш мақсадида қўшимча таҳрирлар киритилди.

Муҳокамалар жараёнида қонун лойиҳаси ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий кафолатлар тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги муносабатларни комплекс тартибга солишга қаратилгани таъкидланди.

Депутатлар қайд этганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга ягона ҳуқуқий ёндашуви шакллантириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, ижтимоий кафолатларни мустаҳкамлаш ҳамда ҳарбий хизмат нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Муҳокамалар якунлари бўйича қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланиб, учинчи ўқишда қабул қилинди ҳамда Конституциявий тартибда кўриб чиқиш учун Сенатга юборилди.

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯНИНГ ЯНГИ КАФОЛАТЛАРИ

Адолатли судловни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда суд жараёнларида томонларнинг тенглигини таъминлаш — ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шу нуктаи назардан, суд-ҳуқуқ тизимида инсон ҳуқуқларини кафолатлаш, ҳимоя институтининг имкониятларини кенгайтириш ва одил судлов самардорлигини оширишга қаратилган қонунчилик ташаббуслари алоҳида аҳамият касб этади.

Мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси суд-ҳуқуқ тизимида томонларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принципини янада кучайтириш, адвокатларнинг процессуал имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

Лойиҳа билан Жиноят-процессуал кодекси ҳамда «Адвокатура тўғрисида»ги қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Лойиҳага кўра, жиноят иши судга фақат айблов ҳулосаси ёки айблов далолатномаси билан эмас, балки ҳимоячининг фикри билан бирга киритилиши белгиланмоқда.

Шунингдек, ҳимоячига дастлабки тергов ёки сурштирув якунланганидан кейин беш сутка ичида «ҳимоя фикри»ни тақдим этиш ҳуқуқи берилиши белгиланмоқда. Ҳимоя фикрида айбловга муносабат, далиллар, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, судга қақрилиши сўралаётган шахслар ва бошқа фикрлар акс эттирилиши мумкин.

Киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар суд муҳокамаларида тенгликни таъминлаш, судьянинг иш бўйича ҳар икки томон фикри билан олдиндан танишишига имконият яратиш ҳамда одил судлов сифатини оширишга хизмат қилади. Мазкур қонун лойиҳаси қабул қилиниши билан суд жараёнларида тортишув принципи мустаҳкамланади, адвокатнинг роли ва таъсири ортади.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ХАВФСИЗ МАҲСУЛОТ — ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ

Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини ишончли ҳимоя қилиш, истеъмол қилинаётган маҳсулотлар сифати ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган навбатдаги қонунчилик ташаббуси Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинди.

Мажлисида яроқлилик мuddати ўтган ва яроқлилик мuddати кўрсатилмаган ҳолда товарларни реализация қилиш ҳамда сотишнинг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 178-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда. Хусусан, яроқлилик мuddати ўтган, шунингдек, ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик мuddати кўрсатилмаган шартлиги белгиланган озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик мuddати кўрсатилмаган ҳолда реализация қилиш ва сотиш мақсадида қабул қилганлик учун маъмурий

ҳуқуқбузарлик бўйича жарималар миқдорини ошириш назарда тутилмапти. Ҳужжатнинг асосий мақсади аҳоли саломатлиги ва ҳаётини ҳимоя қилишдан иборат.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамияти, айна чоғда заруратини инобатга олиб, ундаги айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар бердилар. Шунингдек, лойиҳани янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Баҳс-мунозаралардан сўнг, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

ИНСОН ОМИЛИНИ КАМАЙТИРИШ МАҚСАДИДА

Мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасида сувдан фойдаланиш тўғрисидаги шартномаларни махсус ахборот тизими орқали автоматлаштирилган тарзда электрон шаклда рўйхатдан ўтказиш тартибининг жорий этиш назарда тутилмоқда. Депутатларнинг фикрича, мазкур англик инсон омилини камайтириш, ортиқча бюрократик жараёнларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари самардорлигини оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, сув хўжалиги объекти ва хизматларини аутсорсинг ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш жараёнларини тендер ва танловлар орқали амалга ошириш тартиблари аниқлаштирилмоқда.

Муҳокамалар давомида депутатлар сув ресурслари иқтисодий тараққиёт, экологик барқарорлик ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим ўрин тутганини таъкидладилар. Шу боис, мазкур соҳада замонавий бошқарув усулларини кенг жорий этиш, рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш ва хусусий сектор имкониятларини жалб қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлиги қайд этилди.

Мажлисида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

СУВ РЕСУРСЛАРИ МУҲОФАЗАСИ КУЧАЯДИ

Мажлисида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий асосида киритилган — «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Хусусан, сувларнинг давлат ҳисобини юритиш, сув хўжалиги объекти ва гидротехника иншоотларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни бевосита масъул шахсларга нисбатан қўллаш назарда тутилмапти. Шунингдек, ҳуқуқбузарлик мансабдор шахс томонидан содир этилган ҳолатларда нисбатан қатъийроқ жавобгарлик чораларини белгилаш ҳамда такроран содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жарималар миқдорини ошириш таклиф қилинмоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва

аҳоли саломатлигини асраш мақсадида оқова сувларни чиқариш тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини такомиллаштиришга қаратилган нормалар ҳам лойиҳадан ўрин олган.

Депутатлар таъкидлаганидек, мазкур қонун лойиҳаси сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, соҳада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда сув ресурсларини муҳофаза қилиш тизимини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ АҲБОРОТИ ЭШИТИЛАДИ

Мажлисида адлия вазири А. Тошқуловнинг «Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»ги ахборотини эшитиш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Маълумки, интеллектуал мулк (интеллектуал мулк объектига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза ва ҳимоя қилиш) соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва интеллектуал мулк соҳасидаги бошқа халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодаловчи ваколатли давлат органи Адлия вазирлиги ҳисобланади.

Сўнгги йилларда вазирлик томонидан фуқаролар ҳамда тадбиркорлар учун қўлайлик яратиш мақсадида интеллектуал мулк объектиларини рўйхатдан ўтказиш ва улар бўйича давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларини босқичма-босқич соддалаштириш, электрон ҳужжатлар, QR-код орқали тасдиқлаш механизмлари ва идоралараро ахборот алмашинуви тизимларини жорий этиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал асослари мустаҳкамланмоқда.

Шу билан бирга, интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, соҳани рақамлаштириш, давлат органлари ва ташкилотларининг ушбу йўналишдаги ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини замон талабларига мослаштириш, ички ва ташқи бозорларда ўз номи (бренд)га эга бўлган рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Мажлисида шу асосдан келиб чиқиб, мазкур масала юзасидан адлия вазирининг ахборотини эшитиш ҳақида тегишли қарор қабул қилинди.

ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Шунингдек, ялпи мажлисида депутатлар Ёшлар ишлари агентлиги директори А. Саъдуллаевга «Ёшлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш, бундай ҳолатларга сабаб бўлаётган ижтимоий муаммоларни бартараф этиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида»ги парламент сўровини юбориш масаласини кўриб чиқишди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши ва тадбиркорлик билан шугулланиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, ишсиз ёшларни касб-хунар, тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитиш, шунингдек, «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида турли йўналишларда мусобақалар ташкил этишлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, депутатларнинг ҳудудлардаги ўрганишлари давомида айрим муаммо ва камчиликлар сақланиб қолаётгани аниқланди. Жумладан, ёшларни спорт, маданият, китобхонлик ва ахборот технологиялари тўғрараклига жалб қилиш, ишсиз ёшларни касбга ўқитиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш борасидаги имкониятлар барча ҳудудларда етарлича ишга солинмаган.

Шу муносабат билан ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, бандлигини таъминлаш ва манзилли ишлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан Ёшлар ишлари агентлиги директориға парламент сўрови юборилди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!



► (Давоми. Боши 1-бетда)



“ БУГУНГИ КУНДА ФАОЛ НУРОНИЙЛАРИМИЗ ЖАМИЯТНИНГ НАФАҚАТ ВИЖДОНИ, БАЛКИ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ КЎЗГУСИГА АЙЛАНДИ. УЛАР ОРАСИДАГИ ЗИЁЛИЛАР, ИЖОДКОРЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ЎЗ БИЛИМИ ВА ТАЖРИБАСИ БИЛАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПОЙДЕВОРИНИ ҚУРИШДА КАМАРБАСТА БЎЛМОҚДА.



ИШТИЁҚ БИЛАН ЯШАМОҚ

ДАВРИ КЕЛДИ



Содиқжон ТУРДИЕВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, “Нуроний” жамғармаси республика Бошқаруви раиси, сенатор.

Ёши улугларнинг узок йиллик ҳаётий тажрибаси ва малакавий маҳоратидан Янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини мустаҳкамлашда, ёшларни она Ватанга, халқимизга садоқат руҳида тарбиялашда самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилди. Кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни эъзозлашга қаратилган амалдаги 10 дан ортиқ ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг ижроси изчил таъминлаб келинмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 3 миллион 565 минг нафардан ортиқ ёшга доир пенсия олувчилар истиқомат қилмоқда. Эътиборлиси, уларнинг 59 нафари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 2 минг 620 нафари эса меҳнат фронти фахрийларидир. Уларнинг ҳаёти ва ижтимоий фаолияти давлатнинг доимий диққат марказида бўлиб, фахрийларимизнинг турмуш тарзини яхшилаш, саломатлигини муҳофаза қилиш ва ижтимоий фаолигини ошириш бўйича тизимли механизмлар яратилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 8 июндаги тегишли қарорига мувофиқ, уруш фахрийлари, концлагерларнинг собиқ маҳбуслари ва Ленинград қамали иштирокчилари, шунингдек, ўзгалар парваршига муҳтож ёлғиз кексаларга бепул етказиб бериладиган озиқ-овқат ва гигиена товарлари ўрнига ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг (БХМ) бир баравари миқдоридан кўшимча тўлов жорий этилди. Шунингдек, ҳар йили август ойида кийим-кечак хариди учун БХМнинг 15 баравари миқдоридан компенсация тўланмоқда.

Бундан ташқари, кекса ва ногиронларнинг ҳолидан хабар олиш, саломатлигини тиклашлари шартли яратилиш бўйича ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилди. Биргина жорий йилнинг беш ойи давомида нуронийларнинг 85 минг нафари бепул тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган хасталиқлар бўйича даволанишга йўналтирилган бўлса, 3120 нафардан ортиқ кексаларнинг санаторийларда саломатлигини тиклашига шароитлар яратилди, 34 мингдан зиёд кексаларга дори-дармонлар олиб берилди.

Наврўз байрами, Рамазон ҳаёти, 9 Май – Хотира ва кадрлар куни муносабати билан юксак эътибор, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилган кексаларимизнинг шукроналиги чексиз. Қурбон ҳаёти арафасида Ҳаж сафарига отланган минг-минглаб ҳамюртларимиз қаторида Президентимизнинг ташаббуси билан ташкил этилган “Президент ҳожилари” лойиҳаси доирасида муқаддас зиёратда бўлиб, қалблари нурга, шукронага тўлиб қайтган 100 нафар ёши улуг нуронийларимизнинг қувончи, шукроналик дуоларига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги қарорига асосан, мамлакат бўйлаб кекса авлод вакилларининг саёҳат қилишларини рағбатлантириш мақсадида ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтаси — “Кексалар ҳафтаси”, ноябрь ойи эса “Кексалар учун туризм ойлиги” этиб белгиланган. Оилаларимизнинг файзу фаритаси бўлган бобо ва буваларимиз, устозларимиз, соҳанинг етук мутахассислари бўлмиш фахрийларимизни

эъзозлашга қаратилган мазкур ҳафталик ва ойлик доирасида турли ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда, юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилмоқда. Нуронийлар фақат мазкур ойдагина эмас, йил давомида саёҳатлар завқидан баҳраманд бўлишмоқда. Ўтган йили 1 миллион 450 минг нафар нуронийларнинг саёҳатлари ташкил этилган бўлса, бу йилнинг ўтган беш ойи давомида 560 мингга яқин нуронийлар саёҳатга чиқишди. Йил охиригача 1 миллион 500 мингдан ортиқ нуронийларнинг мамлакатимиз бўйлаб саёҳатларини ташкил этиш белгиланган.

Юртимизда замонавий ва анъанавий меъморчилик услубларини уйғунлаштирган ҳолда 171 та замонавий “Нуронийлар маскани” барпо этилган. Мазкур масканларда нуронийларнинг дам олиши, вақтини мазмунли ўтказиши учун ҳама шароитлар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида”ги қарорига кўра, узок йиллар давомида юрт равнақи, халқ фаровонлиги, жамият тараққиёти йўлида фидоқорона меҳнат қилган ва йили пайтада пенсия ёшида ҳам жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этаётган нуронийлар “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланиб келинмоқда. Юртимиздаги барча маҳаллаларда “Кексалар маслаҳати” гуруҳларининг энг фаол раҳбарлари ҳар чоракда базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридан рағбатлантириб келинмоқда.

Бундай ғамхўрлик, эътибор ва эъзоз туфайли бугун нуронийлар жамиятимизнинг чин маънодаги маънавий устунларига айланишди. Жамиятимизнинг қайси жабҳасига кириб борманг, у ерда албатта, фаол нуронийларни кўрасиз.

Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш йўлида ҳамкор ташкилотлар ва “маҳалла еттилиги” билан ҳамқадам ҳаракат қилаётган нуронийларнинг фаоллиги туфайли ажрим ёқасига келиб қолган оилалардаги ёш келин-куёвлар яраштирилмоқда, оилалар камбағалликдан чиқарилмоқда, алоҳида эътибор ва ишлашга мойил ёшлар муаммоли оилалар рўйхатидан чиқарилиб, уларнинг ўқиши, касб-хунар эгаллаши орқали бандлиги таъминланмоқда. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлмапти. Маҳаллаларда ҳамжиҳатлик

муҳитини асраш, ёшларни юртимизнинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш йўлида давлатимиз раҳбарининг кекса авлод вакилларига билдираётган ишончи нуронийларга куч-қувват бағишляпти.

Шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари орқали кексаларнинг саломатликларини янада мустаҳкамлашга эришилмоқда. Шу мақсадда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида нуронийлар ўртасида уч босқичли “Ғайратли кексалар” спорт мусобақалари ташкил этилиб, унда кекса авлод вакиллари мини футбол, миллий кураш ва шахмат-шашка бўйича беллашапти.

Ёшларимизни умуммиллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида, юрт тараққиётига дахлдор, ватанпарвар, илми ва маърифатли шахслар этиб тарбиялашда азал-азалдан кексаларимизнинг ўрни ва роли алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу халқона анъана бугунги кунда ҳам замон талабларига ҳамоханг равишда янги босқичда давом эттирилмоқда. Шу маънода, Президентимиз ташаббуси билан ёшлар тарбиясида нуронийларнинг ибратли турмуши, чуқур билими ва бой ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиш мақсадида “Уч авлод учрашувлари”ни янгилаш мазмун-моҳият билан бойитган ҳолда ўтказиб бориш анъанага айланди.

“Бир нуроний — ўн ёшга масъул” тамойили асосида маҳаллаларда уюлмаган, тарбияси оғир ёшлар билан ишлаш соҳасида юқори натижаларга эришаётган ижтимоий фаол нуронийлар уч босқичда — туман (шаҳар), вилоят ва республика миқёсида ўтказиб келинган маҳаллалик келинмоқда. Мазкур тамойил асосида муаммолари ечим топган, касб-хунар эгаллаб, бандлиги таъминланган ёшлар ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишмоқда.

“Нуроний” жамғармаси ҳудудий бўлимларининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ҳаракатлари туфайли бу йил ҳам ҳар бир маҳалладан ҳаётий тажрибага эга бўлган ва замон билан ҳамқадам 16 мингдан ортиқ фаол нуронийлар 160 минг 651 нафар уюлмаган ва муаммоли ёшларга бириктирилган. Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида нуронийлар томонидан олиб борилган чора-тадбирлар натижасида 20323 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланди. Бу борадаги ишлар давом этмоқда.

Нотинч оилаларнинг низоларини бартараф этишда, ажрим ҳолатига келиб қолган оилаларни яраштиришда маҳаллалардаги “Кексалар маслаҳати” гуруҳи раҳбарлари ҳамда фаол кексалар “Нуроний — ҳар бир оилага масъул” лойиҳаси асосида тизимли иш олиб боришмоқда. Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида 19 643 та муаммоли оилаларга бириктирилган нуронийлар масъул ташкилот вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар натижасида 7 200дан ортиқ оилалардаги муаммолар ўз ечимини топди, шунингдек, 2818 та ажримларнинг олди олинди, 878 та оилалар яраштирилди.

Тўй ва маросимларни ихчамлаштириш, исрофгарчиликка йўл қўймастик, қариндошлар ўртасидаги низоҳатларни салбий оқибатлари ва миллий генофондга таъсири юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Маҳаллалардаги инфратузилма — йўл қурилиши, сув, электр таъминоти ва ижтимоий соҳа объектлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатилиб, мутасаддиларга асосланган тақлифлар киритилмоқда.

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси ҳам Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси ҳамкорлигида 2026 йил 30 январь куни қабул қилинган қўшма қарорга кўра, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, аҳоли ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳамда миллий урф-одатлар ва қадриятлар асосида ҳашар ишларини самарали ташкил этиш мақсадида мамлакатимиз маҳаллаларидаги 159 931 та кўчанинг ҳар бирига нуронийлар “кўчанинг” бириктирилди.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, маҳаллаларда юзага келаётган кўплаб муаммолар — оилавий низолар, ёшлар бандлиги, ижтимоий бепарволик, жиноятчиликка мойиллик, энг аввало, маънавий бўшлиқ билан боғлиқдир. Бу бўшлиқни эса нуронийларнинг ҳаётий тажрибаси, ёшларга бўлган меҳри, ишончи, маслаҳат ва ўғитлари билан тўлдириш яхши самараларни бермоқда.

Шунингдек, камбағаллик, ишсизлик ва жиноятчилик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда нуронийлар етакчилигида олиб борилаётган тизимли ишлар ижобий самара бермоқда. Чунки ёши улугларимиз нафақат муаммони кўради, балки унинг сабабини тушунади

ва ҳар бир кўчада аҳоли билан ишонч асосида иш олиб боради. Бу эса ислохотларнинг ижросини жойларда самарали таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, 2025 йилдан мамлакатимизнинг ҳар бир маҳалласида 3 нафардан фаол нуронийлар 5 нафардан камбағаллик реестрида турган оилаларга бириктирилиб, улар билан бевосита иш олиб боришмоқда.

Фаол нуронийларнинг амалий ишлари натижасида камбағаллик реестрида турган оилаларнинг фарзандлари кўшимча дарслар ва тўғарақларга жалб этилмоқда. Ёшлар хунарманд ва усталарга шогирдликка бириктирилиб, касб-хунар эгаллаши таъминланмоқда. Уларга ўқув жиҳозлари, тарта ва стуллар, спорт кийимлари олиб берилди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида нуронийларнинг фаолияти фақатгина иқтисодий кўмак билангина чекланиб қолмайди, балки маънавий тарбия, сабр-тоқат, шукроналик ва меҳнатга ҳурмат каби қадриятларни қарор топтиришга қаратилган. Бу эса ўз навбатида маҳаллаларда барқарор фаровонликнинг маънавий пойдеворини яратишга хизмат қилади.

Фаол нуронийлар маҳаллаларда боқимандалик кайфиятидан воз кечши, меҳнат қилиш орқали фаровон ҳаётга эришиш ғоясини ҳам кенг тарғиб этиб, ёшлар ва ишсиз ҳамюртларимизни касб-хунар ўрганишга, тадбиркорликка рағбатлантириш орқали ижтимоий фаоллигини оширишга хисса қўшмоқдалар.

Шу билан бирга нуронийлар томонидан оилалардаги муаммолар барвақт аниқланиб, қийинчиликка тушиб қолган ёшларга тегишли ташкилотлар орқали кўмаклашилмоқда. Маҳаллада ўзаро ҳамжиҳатлик ва ёрдам муҳити шакллантирилмоқда. Натижада маҳаллаларда ёшлар, ёш оилалар, ишсиз фуқароларнинг давлат томонидан яратилаётган имкониятларга нисбатан хабардорлиги таъминланиб, имтиёзли кредитлар, субсидиялар ва бандлик дастурларидан фойдаланишга бўлган ишончи ортмоқда. Айнан шу ишонч камбағалликдан чиқиш йўлидаги энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга мактабгача таълим муассасалари ва ўрта таълим мактабларига 3 нафардан, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларига 5 нафардан фаол нуронийлар бириктирилган бўлиб, таълим муассасаларида ўтказилаётган “Нуронийлар соатлари” тарбиявий ишлар самарадорлигини таъминламоқда. Мактабгача таълим муассасаларида эса “Бувижонлар мактаби” гуруҳи аъзолари болажонларга эртақлар, аллалар орқали миллий қадриятларимизни сингдириб боришапти.

Бугунги кунда фаол нуронийларимиз жамиятнинг нафақат виждони, балки ислохотларнинг кўзгусига айланди. Улар орасидаги зиёлилар, ижодкорлар ва тадбиркорлар ўз билими ва тажрибаси билан Янги Ўзбекистон пойдеворини қуришда камарбаста бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан берилган кенг ваколатлар ва кўрсатилаётган кескиз эътибор нуронийлар учун янги куч-қувват манбаидир. Демак, иштиёқ билан меҳнат қиладиган, бой тажрибани амалиётга татбиқ этиб, Ватан равнақи йўлида хизмат қиладиган даврдан унумли фойдаланиб, билдирилган ишонччи оқлаш устувор вазифамиздир.

САРҲИСОБ

"Депутат маҳаллада" –

МУЛОҚОТ ВА ИШОНЧ МАЙДОНИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Шу жиҳатдан партиямизнинг "Депутат маҳаллада" лойиҳаси аҳоли билан очиқ ва самимий мулоқотни таъминлаш, жойлардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларнинг ечими бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш учун муҳим майдон вазифасини ўтамоқда. Асосийси, бундай учрашувлар одамларда ўз фикри ва таклифлари эшитилаётганига ишонч уйғотиб, давлат органлари ва аҳоли ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди.

Партия фаолларининг айтишича, лойиҳа доирасида маҳаллалардаги мавжуд ижтимоий муҳит ва аҳолининг ҳаёт сифатига таъсир кўрсатаётган омиллар ҳар томонлама ўрганиляпти. Жумладан, фуқароларнинг давлат органлари фаолиятини қониқ даражасини баҳолаш, маҳаллаларда ижтимоий фаоллик ва фуқаролик ташаббусларининг ҳолатини таҳлил қилиш, давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнида учраётган муаммо ва тўсиқларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий хабардорлиги ва ҳуқуқий маданияти даражаси, ижтимоий ҳимоя чораларининг манзиллиги ҳамда аҳолига етиб бориш самардорлиги таҳлил қилинди. Маҳаллий давлат органлари билан аҳоли ўртасидаги мулоқот ҳолати, муносабатларни кўриб чиқиш амалиёти ва жамоатчилик фикри ҳам чуқур ўрганилди.

РАҚАМЛАР КЕСИМИДА

2026 йилнинг февраль–май ойлари давомида лойиҳа доирасида қутилган натижаларга эришилди. Асосий урғу расмийликдан воз кечган ҳолда республика бўйлаб кенг кўламли ўрганишлар, сайёр қабуллар, маҳалла фаоллари билан учрашувлар ва аҳоли билан очиқ мулоқотлар ташкил этилди.

Партиядан сайланган 1160 нафар депутат томонидан 5000 дан ортиқ учрашув ва мулоқотлар ўтказилиб, 300 минг нафардан зиёд фуқаро билан бевосита суҳбат қилинди.



Малика РАШИДОВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи:

– Ташрифлар давомида фуқароларнинг турмуш шароити, ижтимоий аҳволи ва ҳаёт сифатини белгилаб берувчи муҳим омиллар ўрганилди. Айниқса, кўмакка эҳтиёжи юқори бўлган оилаларнинг ҳолати, уларни қийнаётган масалалар ҳамда мавжуд имкониятлардан фойдаланиш даражаси таҳлил қилинди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари билан ишлашга устувор аҳамият берилди.

Чунки жамиятда ижтимоий адолат ва барқарорликни таъминлаш, аввало, ёрдамга муҳтож инсонларнинг дарду ташвишларини эшитиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва муаммоларига ечим топишдан бошланади.

Хусусан, 3000 дан ортиқ ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва кам таъминланган фуқаролар хонадонларига ташриф буюрилди.



ҚАНДАЙ МУАММОЛАР БОР?

Лойиҳа доирасида олиб борилган ўрганишлар жойларда аҳолини қийнаётган бир қатор тизимли муаммолар ҳали ҳам сақланиб қолаётганини кўрсатди. Хусусан, айрим фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланиш тартиби, яратилган имкониятлар ва ўз ҳуқуқлари тўғрисида етарлича ахборотга эга эмаслиги кузатилди. Шу билан бирга, давлат органлари томонидан тақдим этилаётган маълумотларнинг доим ҳам оддий ва халқчил тилда етказилмаётгани аҳолининг ижтимоий дастурлар ҳамда зарур хизматлардан тўлақонли фойдаланишида муайян қийинчиликларни юзага келтирмоқда.



Аброр ҚУРБОНОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

– "Депутат маҳаллада" лойиҳаси бизга бир ҳақиқатни яна бир бор кўрсатди. Яъни халқнинг кайфиятини ҳисоботлардан эмас, одамларнинг кўзига қараб аниқлаш мумкин.

Ўрганишлар давомида фуқароларнинг маҳалла ҳаётидаги фаоллиги ва жамоатчилик ташаббусларидаги иштироки ҳудудлар кесимида фарқланиши кузатилди. Айрим маҳаллаларда аҳолининг муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнларидаги иштироки пастлигича қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ёшлар ва хотин-қизларни жамоатчилик ишларига кенг жалб қилиш механизмларини янада кучайтиришни талаб этади. Шу билан бирга, маҳалладаги муаммоларни ҳал этишда аҳоли ва давлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётгани ҳам аниқланди.

Таҳлиллар аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ахборотлардан хабардорлик даражасида ҳам муайян фарқлар мавжудлигини кўрсатди. Айрим фуқароларнинг ижтимоий нафақалар, пенсия таъминоти, имтиёзлар ҳамда давлат томонидан яратилган имкониятлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида етарли тушунчага эга эмаслиги

маълум бўлди. Бу эса жойларда ҳуқуқий тарғибот ва тушунтириш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, аҳолига манзилли амалий маслаҳат ва ҳуқуқий кўмак бериш механизмларини такомиллаштириш заруратини яққол кўрсатмоқда.

Шунингдек, маҳаллий бошқарув тизими фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида айрим муаммоларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича профилактик ишлар етарли даражада ташкил этилмаётгани кўринди. Худудий ташкилотлар фаолиятини баҳолашда аҳоли фикрига таяниш амалиётини кенгайтириш ва маҳалла даражасида таҳлил ҳамда режалаштириш механизмларини янги босқичга чиқариш зарур.

Фуқаролар муносабатларининг катта қисми муҳандислик-коммуникация ва инфратузилма масалалари билан боғлиқ бўлди. Айрим ҳудудларда электр тармоқлари, трансформаторлар ва сув таъминоти тизимларининг эскирган аҳоли учун қатор ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, ички йўлларнинг таъмирталаб ҳолати, ичимлик суви таъминотидаги узилтишлар ва табиий газ босими билан боғлиқ муаммолар ҳам аҳолини энг кўп таъшишга солаётган масалалар қаторида қолмоқда.

Ижтимоий ҳимоя соҳасида эса эҳтиёжманд оилалар ва фуқаролар билан манзилли ишлаш, уларни камбағалликдан чиқариш тизимини янада такомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда. Айрим ҳолатларда масъул идора ва ташкилотлар ўртасидаги интеграция, маълумот алмашинуви ҳамда ижтимоий шериклик механизмлари етарли даражада самара бермаётгани кузатилди. Шу билан бирга, жойларда йиллар давомида тўпланиб қолган ва ечимини кутаётган маҳаллий муаммоларнинг мавжудлиги ҳудудларда депутатлик ҳамда жамоатчилик назорати таъсирчанлигини янада оширишни кун тартибига қўймоқда.

Умуман олганда, мазкур лойиҳа натижалари аҳолини қийнаётган муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, уларни келтириб чиқараётган асл сабабларни тизимли бартараф этиш ҳамда истиқболдаги аниқ манзилли чора-тадбирларни белгилашда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки халқ билан мулоқот ва очиқлик тамойиллари қанчалик кучли бўлса, қабул қилинаётган қарорлар ҳам шунчалик ҳаётий, халқчил ва натижадор бўлади.

Энг муҳими, бу лойиҳа депутат билан аҳоли ўртасидаги масофани қисқартиради. Фуқаролар ўз муаммоларини бевосита депутатга етказиш имкониятига эга бўлади, депутат эса одамларнинг кундалик ҳаёти билан яқиндан танишиб, мавжуд масалаларнинг асл илдизини ўз кўзи билан кўради. Шу орқали маҳаллалардаги долзарб масалаларни тезкор аниқлаш ва уларни ҳал этиш имконияти кенгайди.

Депутат доимо халқ ичида, одамларнинг дарду ташвишлари билан бирга бўлсагина, фуқароларнинг овози ва истақлари давлат идоралари қарорларида ўз аксини топади, ҳеч бир муаммо эътибордан четда қолмайди.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози"
муҳбири.



Одамларнинг ҳаётига таъсир қиладиган қарорларни, ҳудудлар тақдирига оид масалаларни бир киши эмас, халқ вакиллари иштирокида ҳал қилиш кераклиги ҳақида бугун кўпроқ гапирляпти. Бу ҳаёт талаб қилаётган зарурат.

Шундан келиб чиқиб, кейинги йилларда маҳаллий Кенгашларнинг роли ортди, ваколатлари кенгайди. Энди улар шунчаки йиғилиш ўтказадиган тузилма эмас, балки одамларнинг дарди, муаммоси ва таклифларини қарорларга олиб кириши керак бўлган майдонга айланиши лозим.

Чунки ҳудудларда аҳолини ўйлантираётган қандайдир муаммо бўлса, одамлар биринчи навбатда ўз вакилларидан натижа кутади. Кенгаш депутатининг кучи ҳам айнан шу ерда — халқнинг овозини эшиттиришда.

Хўш, бугун маҳаллий Кенгашлардаги партияимиз депутатлари ана шу масъулиятни қай даражада ҳис қиляпти? Улар аҳолини ўйлантираётган муаммоларни олиб чиқяптими? Сессияларда фаол позиция намоён қиляптими?

Ушбу саволларимизга қашқадарлик депутатлардан жавоб олдик.



Олим РАВШАНОВ, ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гурӯҳи раҳбари:

– Кузатувларимизга кўра, ҳозир депутатларимизнинг сессиялардаги иштироки сезиларли даражада фаоллашган. Одамларнинг кундалик ҳаётига таъсир қилаётган муаммоларни кўтариш, масъуллардан жавоб олиш ва уларнинг ечимига эришиш учун депутатларимиз ташаббуслари анча кўпайган.

Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятимиздаги партия гуруҳларимиз томонидан 54 та масала партия гуруҳлари ва доимий комиссияларда кўрилган бўлса, шундан 52 таси сессияларга киритилган. Халқ депутатлари

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ СЕССИЯСИ – ХУДУД ТАҚДИРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНАДИГАН МАЙДОН

вилоят Кенгашидаги партия гуруҳимиз 6 та масалани сессия муҳокамасига олиб чиқди.

Сессия кун тартибига киритилган масалалар таҳлил қилинганда, уларнинг ақсарияти аҳоли турмуш сифати, ижтимоий ҳимоя ва ҳудудларни ривожлантиришга қаратилганини кўриш мумкин. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, таълим сифатини ошириш, маҳалла тизими фаолиятини кучайтириш, гендер тенгликни таъминлаш, уй-жой қурилиши соҳасини тартибга солиш ҳамда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ масалалар депутатлар муҳокамаси марказида бўлди.

Эътиборлиси, мазкур масалалар ҳар бир инсон ҳаётига бевоқифа дахлдор. Масалан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини таъминласа, таълим тизимига оид масалалар фарзандлар келажаги билан боғлиқдир. Уй-жой қурилиши, маҳаллалар фаолияти ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қарорлар эса одамларнинг яшаш шароити ва турмуш даражасини яхшилашга қаратилган.

Аҳамиятли яна бир жиҳатга тўхталиб ўтаман. Ҳозир сессияларда депутатлар шунчаки кузатувчи эмас, фаол қатнашяпти. Чунки сессияда савол бериш, таклиф киритиш, муаммоларни кўтариш ва қарорлар муҳокамасида иштирок этиш орқали депутат аҳолининг овозини етказди. Ана шу масъулият халқ вакиллари одамлар дарди билан кўйиб яшашга, йиғилишларда фақатгина қўл кўтариб, тасдиқлаб эмас, балки эътирозлар билдириш, асосли таклифлар беришга ундаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Бунинг натижа, деб биламан. Чунки у ўз сайловчиларининг ишончини қозонган ва уларнинг

манфаатларини ифода этадиган вакил ҳисобланади. Фаол депутат бор жойда муаммоларга ечим топиш имконияти ҳам кўпроқ бўлади.



Султон ХАМРАЕВ, халқ депутатлари Қасби туман Кенгашидаги ЎзХДП гурӯҳи раҳбари:

– Депутатнинг вазифаси сессияларда фақат овоз бериш эмас, муаммоларга ечим топишдир.

Айтايлик, сайлов округидаги ҳар бир муаммо депутат учун эътиборга лойиқ масаладир. Одамларни тинглаш — муаммони ҳал қилишнинг биринчи қадами. Сайловчилар билан учрашув фақат ҳисобот бериш учун эмас, муаммоларни эшитиш учун керак. Қисқа қилиб айтганда, депутатнинг кучи унинг халқ билан яқинлигида. Чунки ҳар бир мурожаат ортида бутун маҳалланинг муаммоси яширинган бўлиши мумкин. Биз ана шу муаммоларга бефарқ бўлмай, уларни сессияларга муҳокамасига киритсак, унинг ижросини қатъий назоратга олсак, бу бутун маҳалла аҳлига энгиллик бўлади, уларнинг ишончи ортади.

Сайловчилар билан учрашиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш мақсадида чекка кишлоқларга кўп борамиз. Одамларнинг мурожаатлари асосида ёки ўзимиз кўрган, кузатган камчиликлар, муаммолар юзасидан таклифлар тайёрлаймиз, мутасадди ташкилотлар раҳбарларига депутатлик сўровлари жўнатамиз. Жорий йилнинг ўтган

даврида халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатларимиз ташаббуси билан 5 та масала сессиялар муҳокамасига олиб чиқилди.

Масалан, яқинда давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 14 февралдаги “Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари фаолиятига замонавий ташкилий тизимни жорий қилиш, молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонининг тумандаги ижроси ўрганилди. Ўрганишлар шунинг кўрсатдики, мазкур фармон ижросини таъминлаш борасида туманда муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланиши, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажминини ошириш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар ташкил этилган.

Туманда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, сўғориш тармоқларини бетонлаштириш ҳамда сув танқислиги кузатилаётган ҳудудларда артезиан қудуқларини казиш ишлари амалга оширилмоқда. Режага мувофиқ сўғориш тармоқларининг 175 километр қисми бетонлаштирилиши белгиланган бўлиб, бу ишлар босқичма-босқич олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, депутатлар томонидан ўтказилган ўрганишлар давомида айрим муаммолар ҳам аниқланди. Хусусан, баъзи маҳаллаларда аҳоли томорқаларига етарли сув етказиб берилмаётгани сабабли ер майдонларидан самарали фойдаланилмапти. Натижада мевазорлар қуриб бораётгани, айрим ерларда эса даромадли экинлар ўрнига фақат ем-хашак экинлари экилаётгани кузатилди.

Айниқса, сув етиб бормайдиган маҳаллаларда Агротсубсидия дастури доирасида ажратилаётган маблағлар ҳамда артезиан

қудуқларини ўрнатиш ишлари аҳоли эҳтиёжини тўлиқ қондираётгани қайд этилди. Бу борада туман кишлоқ хўжалиги бўлими ва бандликка кўмаклашиш маркази томонидан амалий натижадорликни ошириш зарурлиги таъкидланди.

Ўрганишлар шунинг кўрсатдики, туман ҳокимлиги, сектор раҳбарлари, фермерлар кенгаши ва ҳоким ёрдамчиларининг ҳамкорлиги натижасида кейинги йилларда деҳқон ва фермер хўжалиқларининг ер солиғи, сув таъминоти, кредит ва моддий ресурслар билан боғлиқ қарийб 700 та мурожаати ижобий ҳал этилган.

Фармон ижроси доирасида 2267 гектар ер майдони 6208 нафардан ортиқ ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли ва ёшларга ажратилиб, натижада 6500 нафардан зиёд фуқаронинг бандлиги таъминланган. Шунингдек, мазкур ер майдонлари очик ва шаффоф тартибда аукцион савдолари орқали деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун фуқароларга берилган.

Хулоса қилиб айтганда, фармон ижроси юзасидан туманда муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, аҳоли томорқаларини сув билан таъминлаш, артезиан қудуқлари ўрнатиш ишларини жадаллаштириш ҳамда ҳар бир томорқа еридан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш бўйича қўшимча чоралар кўриш талаб этилади. Депутатлар томонидан мазкур масала юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, сессия муҳокамасига киритилди.

*** Сессияларда кўриб чиқилган масалаларга назар ташласак, уларнинг барчаси бир нуқтада — инсон манфаатида туташади. Соғлиқни сақлашдан тортиб таълимгача, маҳалла тизимидан тортиб аҳоли бандлигигача, гендер тенгликдан тортиб ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришгача бўлган йўналишлар аҳолининг бугунги ҳаёти ва эртанги келажаги билан чамбарчас боғлиқ.

Аслида, бугун қабул қилинаётган ҳар бир қарор шифокор кўригига муҳтож бемор, сифатли таълим олишни истаган ўқувчи, муносиб уй-жой орзусидаги оила, қўллаб-қувватлашга муҳтож одамлар ва яна минглаб инсонлар учун мадад бўлиши керак. Шу боис мазкур масалаларнинг сессия кун тартибига киритилиши депутатларнинг ҳудуд тараққиёти ва аҳоли фаровонлигига дахлдор масалаларга бефарқ эмаслигини кўрсатади.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ: БЎСТОНЛИҚДА 9,6 КМ ЙЎЛ ТЎЛИҚ ТАЪМИРЛАНДИ

Бўстонлиқ туман Кенгашидаги депутатларимиз **О.Бобоев, Ж.Садиров, Й.Холмуродовга Собир Раҳимов, “Наврўз” ва “Марказий” маҳаллалари фуқароларидан ички йўлларнинг таъмиртабдилиги тўғрисида мурожаатлар келиб тушган эди. Депутатларимиз ҳолатни жойига қиқиб ўрганди ва йўллар таъмирга муҳтож, деган хулосага келишди.**



Халқ вакиллари ушбу масалани Кенгашнинг сессиясида муҳокама қилишди ва мутасадди ташкилотлар билан боғланилди. Депутатларнинг саъй-ҳаракатлари билан йўлларнинг 9,6 км қисми текисланиб, асфальт қопламаси янгиланди.

Йўлларни таъмирлаш ишлари ҳам депутатлар назоратида бўлиб, сифати, бажарилган ишлар ҳажми режага асосланганлиги текширилди. Шунингдек, масъулларга йўлларни сифатли сақлаш, келгусида бундай лойиҳаларни кенгайтириш борасида таклифлар берилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Нукус шаҳридаги Ёшлар марказида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши “Ёшлар қаноти”, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши вакиллари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида учрашув ташкил этилди.



Тадбирдан кўзланган мақсад, раҳбар ва ёшларнинг мулоқотини ташкил этиш, ёшларнинг қонун ижодкорлиги жараёнига кенг жалб қилиш, уларнинг ташаббуслари ва таклифларини олиш, ёшларнинг сиёсий кўникмаларини ривожлантириш, партия сафига жалб қилиш ва партианинг дастурий мақсад ҳамда вазифаларини тушунтиришдан иборат бўлди.

Учрашувда олий таълимга кириш учун қорақалпоғистонлик ёшларга ажратилган қўшимча квота, аёл-қизлар учун берилган имтиёзлар орқали талаба бўлганлар сўзга чиқиб, Оролбўйи ёшларига шундай имкониятлар яратилаётганидан миннатдорлигини билдиришди.

Партия сафига янги қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга партиянинг аъзолик гувоҳномалари ва эсдалик совғалари топширилди.

НАМАНГАН: АҲОЛИ ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТКАЗИЛДИ



Партияимизнинг Наманган вилоят кенгаши томонидан “Соғлом жамият – кучли давлат” шiori остида Наманган шаҳар кўп тармоқли марказий

ПОЛИКЛИНИКАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА БЕПУЛ ТИББИЙ КЎРИК ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Унда 500 нафардан ортиқ фуқаролар тажрибали шифокорлар томонидан тиббий кўриқдан ўтказилди. Жумладан, қон босими, қанд миқдори, ЭКГ, УТТ ҳамда бошқа муҳим тиббий текширувлар амалга оширилди.

Шунингдек, мутахассислар томонидан соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш ва касалликларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар берилди. Касаллиги аниқланган ҳамда ижтимоий кўмакка муҳтож хотин-қизларга даволаниш учун йўлланмалар тақдим этилди.

БУҲОРО: ДЕПУТАТ СЎРОВИ НАТИЖАСИДА

Халқ депутатлари Когон туман Кенгаши депутати **Гулмира Каримова “Тутқунда” маҳалласи ҳудудидаги автомобиль йўлларини асфальтлаштириш масаласида тегишли ташкилотга депутат сўрови юборган эди.**



Депутат томонидан кўтарилган ушбу муаммо ҳудуд аҳолиси учун долзарб масалалардан бири бўлиб, йўлларнинг носоз ҳолати фуқароларга қатор ноқулайликлар туғдириб келаётган эди.

Масъул ташкилотлар томонидан депутат сўровига ўз вақтида жавоб қайтарилиб, маҳалланинг ички йўлларини асфальтлаштириш ишлари махсус дастурга киритилгани маълум қилинди.

Кейинчалик ҳудуддаги ички йўллар тўлиқ асфальтланди. Ҳудуд аҳолиси учун қулай ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитлари яратилди.

Эътиборли жиҳати, депутатлар муаммоларга бефарқ эмас ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида тизимли иш олиб бормоқда. Депутат сўровлари орқали жойлардаги долзарб масалаларнинг ижобий ҳал этилаётгани эса халқ ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бир ой - ўттиз кун - етти юз икки соат...

Ким учундир бу тақвимдаги навбатдаги ой, ёзининг оддий кунлари, холос. Аммо минглаб ёшлар учун бу вақт янги билим олиш, янги танишувлар ва ўз ғояларини синовдан ўтказиш, келажаги учун муҳим қадамлар қўйиш имкониятидир. Худди шундай, бугунги Ўзбекистон ёшлари тайёр имкониятларни кутишни эмас, уларни яратишни истади. Янги билимларни ўрганишга, дунё билан ҳамнафас бўлишга, ўз ғояларини амалий натижага айлантиришга интилади. Сўнгги йилларда ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятлар, таълим ва бандлик дастурлари, стартап ва инновацион лойиҳалар, грантлар ҳамда халқаро таълим йўналишлари айнан мана шу интилишларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Бундан тўққиз йил муқаддам Президентимиз ташаббуслари билан 30 июнь санаси мамлакатимизда "Ёшлар куни" деб эълон қилинди. Бинобарин, 38 миллионлик довондан ошган юртимиз аҳолисининг 9,5 миллион нафарини 14-30 ёшдаги йигит-қизлар ташкил этади. Ўзбекистон меҳнат ресурсларининг ярмидан кўпи ҳам ёшларга тўғри келади. Бу эса давлат зиммасига улкан масъулият юклайди, жамиятимиздан жуда катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни талаб этади.

Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлидан маълумки, юртининг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этилувчи ўсиб келаётган авлодга юрт раҳнақони таъминловчи катта куч, давлатнинг стратегик ресурси сифатида қаралаётгани бежиз эмас.

Бугун мамлакатимизда ёшларнинг орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш учун кенг қўллаб-қувватлаш амалга



"ТАШАББУСЛАР МАРАФОНИ": УЛКАН ИМКОНИЯТЛАРДАН ЮКСАК МУВАФФАҚИЯТ САРИ

ёки муваффақиятли бизнесга асос солар. Марафон айнан шундай ҳамкорликлар учун муҳим яратмоқда.

Бугунги дунёда хорижий тилларни билиш ва глобал майдонда рақобатлаша олиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли марафон дастурдан тил ўрганишга қаратилган қатор лойиҳалар ҳам ўрин олган. "Ibrat debate" сессияларида ёшлар инглиз тилида фикрлаш, баҳслашиш ва омма олдида нутқ сўзлаш кўникмаларини ривожлантирмоқда. "Ibrat Academy" иловаси тақдимотлари,

қилади.

Марафоннинг ўзига хос жиҳатларидан бири — бу миллийлик ва замонавийликнинг уйғунлашганидир. Бир томонда сунъий интеллект, стартаплар ва инновацион лойиҳалар бўлса, иккинчи томонда "Миллий ўйинлар" танлови ёшларни халқимизнинг бой маданий мероси билан таништиради. Арқон тортиш, тош кўтариш, миллий эстафета ва бошқа халқ ўйинлари ёшлар ўртасида жамоавийлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

"Ташаббуслар марафони"нинг

волонтерлик лойиҳасида қатнашди. Бир неча қадам нарида эса китобхонлик тадбирлари давом этди. Бир қарашда буларнинг барчаси алоҳида-алоҳида ташаббусларга ўхшайди. Аслида эса уларни бирлаштириб турган ягона мақсад бор, бу ёшларни эзгу ташаббусларга ундашир. Марафоннинг ютуғи ҳам айнан шунда. Бу ерда ҳар бир ёш ўз қизиқиши ва мақсадига мос имкониятни топа олади. Кимдир тадбиркорликка қизиқади, кимдир хорижий тилларни ўрганишга интилади.

қизиқarli лойиҳалар атрофида бирлаштирган "Ташаббуслар марафони" кечга бориб гала-концертга улашиб кетди.

Худди шундай, Бухоро шаҳрида жойлашган Сомонийлар истироҳат боғида ўтган марафонда 15 мингдан ортиқ йигит-қизлар иштирок этиб, ўзларининг инновацион ғоялари, стартап лойиҳалари ва янги ташаббуслари билан фаол ўртоқлашишди. "Ташаббуслар марафони" доирасида ташкил этилган ИТ, тадбиркорлик, китобхонлик, волонтерлик ва маданият йўналишларидаги



оширилмоқда. Июнь ойи "Ёшлар ойлиги" сифатида аънава тусини олгани, бу ойлик доирасида ҳар йили янги-янги лойиҳалар, кўплаб имкониятлар ёшларимиз учун тақдим этилаётгани янада қувонарли.

Бу гал "Ёшлар ойлиги" муносабати билан Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги томонидан аниқ мақсадларни ўзида мужассам этган йирик лойиҳалардан бири - "Ташаббуслар марафони" ташкил этилди. Қисқа вақт ичида ушбу марафон минглаб йигит-қизларни ўзида бирлаштирди.

Марафоннинг кўлами ҳам эътиборга молик. У 30 кун давомида мамлакатнинг 14 ҳудудиди ўтказилиб, 30 дан ортиқ лойиҳа ва тадбирларни қамраб олган. Ташкилотчилар маълумотиغا кўра, марафон тадбирларида 70 мингдан ортиқ ёшларнинг иштирок этиши кутилмоқда.

Бу марафон ёшларни нафақат ғоя, балки амалий имкониятлар билан ҳам боғлайди. Дастурлар доирасида 20 дан ортиқ компания ва стартап вакиллари билан учрашувлар ташкил этилиши режалаштирилган. Ёшлар ўз резюме ва портфолиоларини тақдим этиб, бўлажак иш берувчилар билан юзма-юз мулоқот қилиш имкониятига эга бўлади. Айримлар учун бу илк профессионал сўхбат, бошқалар учун эса келажагдаги иш фаолияти ёки ҳамкорликнинг бошланиши бўлиши мумкин.

Networking сессиялари ҳам марафоннинг муҳим қисмидир. Турли ҳудудлардан, турли соҳалардан келган минглаб йигит-қизлар бир майдонда учрашади. Балки бугун танишган икки тенгдош эртага янги лойиҳа, ижтимоий ташаббус

IELTS марафони ва бошқа таълим лойиҳалари эса ёшларни халқаро имкониятлар сари етакламоқда.

Марафоннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у билим ва касбий ривожланиш билан чекланиб қолмайди. Бу ерда инсонпарварлик ва ижтимоий масъулият ҳам муҳим қадрият сифатида тарғиб қилинади. "Яхшилик қил" танлови, "Бола+time" лойиҳаси ва "Меҳрли ўйинчок" акцияси ёшларни меҳр-оқибат, سخоват ва кўнгилчилик фаолиятига ундайди. Бу ташаббуслар орқали болаларга қувонч улашиш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ва жамиятда эзгу қадриятларни мустаҳкамлаш мақсад қилинган.

Экологик масалалар ҳам марафон эътиборидан четда қолмаган. "Сувни биргаликда асраймиз" акцияси ҳамда "Clean Games" мусобақаси ёшларнинг экологик маданиятини ошириш, табиатга масъулият билан муносабатда бўлиш ва атроф-муҳитни асраш ғояларини тарғиб

“

ҲАР ҚАНДАЙ
ДАВЛАТНИНГ
ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТ
ЙЎЛИДАН
МАЪЛУМКИ,
ЮРТНИНГ ЖАДАЛ
РИВОЖЛАНИШИ,
МУАЙЯН ЮТУҚЛАРГА
ЭРИШИШИ,
ХАЛҚНИНГ ФАРОВОН
БЎЛИШИ ЁШЛАР
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ
ВА КЕЛАЖАГИГА
БЕРИЛАДИГАН
ЭЪТИБОР
ДАРАЖАСИГА
ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ.

дастлабки манзили Хоразм вилояти бўлди.

Хива шаҳрида қизғин давом этган марафонда турли стартап, китобхонлик, тадбиркорлик ва бошқа кўплаб замонавий йўналишларни ўз ичига олган лойиҳалар минглаб йигит-қизларни бир жойга жам қилди.

Бир майдонда ёшлар инглиз тилида баҳслашишди. Бошқа томонда стартап ғоялар тақдим этилди. Кимдир инвестор ёки компания вакили билан сўхбатлашишга шошилса, яна кимдир болалар билан



Бошқаси экологик лойиҳаларда қатнашишни истаса, яна бири ижтимоий ташаббуслар орқали жамият ҳаётида фаолроқ бўлишга ҳаракат қилади. Айниқса, стартап ва инновациялар йўналишидаги тадбирлар алоҳида диққатга молик. Уларда ёшлар ўз ғояларини экспертлар олдида ҳимоя қилади, амалий тавсиялар олади ва энг яхши лойиҳалар грант маблағлари ҳамда қўшимча қўллаб-қувватлаш имкониятларига эга бўлади. Кечагина қоғозга туширилган ғоя бугун реал лойиҳага айланиш арафасида эканини кўриш қанчалар завқли...

Марафоннинг навбатдаги бекати - Нукус шаҳридаги Мустақиллик майдонида "Янги Ўзбекистонни ёшлар қуради!" шиори остида ташкил этилган гала-концерт минглаб иштирокчилар учун чинакам дўстлик ва ёшлик байрами сифатида бир умр ёдда қоладиган бўлди. Кун давомида шижоаткор, салоҳиятли йигит-қизларимизни турли инновацион ғоялар, амалий тақлифлар ва

маҳсус майдончалар бухоролик ёшлар учун тажриба алмашиш маконига айланди. Одатга кўра, қуёш уфққа бош қўйган чоғи кўҳна ва навқирон кентда ёшлар байрами Арқ кўргони "Шахристон" майдонида ташкил қилинган мухташам гала-концерт билан якунланди.

"Ташаббуслар марафони" бугун юртимиз бўйлаб тобора кенг қўлоқ эзиб, минглаб ёшларга қанот бағишламоқда. Унинг оҳанрабои Наманганнинг закий ёшларидан Сурхондарёнинг ғайратли ўғил-қизларигача, Хоразмнинг изланувчан авлодидан Қашқадарёнинг ўтюррак фарзандларигача етиб бормоқда. Ҳар бир ҳудудда янги ғоялар туғилиб, янги лойиҳалар шаклланимоқда.

Биз эса марафоннинг кейинги манзиллари, унда илгари суриллаётган ташаббуслар, эришилаётган натижалар ҳамда фаол йигит-қизларимиз ҳақида маълумот беришда давом этамиз.

Занжилой АБДУСАЛОМОВА,
журналист.



БУ ДОЛЗАРБ!

ШИФОКОР ҚАБУЛИ ЭМАС, ИЖТИМОЙ ТАРМОҚ АФЗАЛМИ?



▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Булар сиз билан менинг соғлигим учун қайғураётган интернет-дўхтирлар тавсияларидан айримлари, холос. Яна кўп. Зерикиб қолманглар деб санамадим. Ҳаммаси яхши, фойдали! Лекин қай бирини қилай, деб бошим қотди. Ё барини битта тоғорачага солиб, аралаштириб, улгуржи ичиб қўя қолаймикан.

Худди шу тармоқнинг "Маслаҳат" гуруҳида эса бир она жамоатчиликдан сўрамоқда: "5 ёшли қизимнинг томоғи доим оғрийдими. Самолёт керосини билан чайса, яхши бўлиб кетади, деб эшитдим. Керосинни топдим, лекин ҳозир ичиришга чўчиб турибман. Қандай маслаҳат берасизлар?"

Бу саволга жавобан ўнлаб изоҳларда ҳар ким ўзи синаган, баъзан эса тиббий жиҳатдан ҳеч бир клиник протоколга тўғри келмайдиган даволаш усуллари тавсия қилганини кўрасиз. Тўғри, керосин ёш боланинг томоғини куйдириб юборишини ёзиб, онани нодонликда айблаганлар ҳам бор, аммо "Барака топгур, шифокорга олиб бор, тиббий текширувлардан ўтказ, анализ натижаларига кўра даволат", деган жўяли маслаҳатни деярли учратмайсиз. Дарвоқе, интернетдаги қайсидир тиббий блогернинг ҳаволалирига кириб қўришга ундаганлар ҳам бор.

Бу нимадан далолат? Жамиятимизда аҳолининг тиббий маданияти ҳамоно ҳаминқадарлигича қолаётганидани? Ёки кундалик ҳаётимизнинг асосий қисмига айланиб бўлган интернет ва ижтимоий тармоқлар, қолаверса, бугунги кунда жадал омалашаётган сунъий интеллект қўлайликлари натижасида? Ахир шифокор қабулига бориш, ҳарчанд тиббий хизмат рақамлашаётган бўлишига қарамай, одамларимиз учун ортқиқа вақт ва маблағ билан боғлиқ бюрократик муаммо бўлиб қолаётгани рост. Балки биз соғлиқни сақлаш тизими ва шифокорларга нисбатан ишончсизлик ҳисси барҳам топмаётгани, аксинча, юртимизда тажрибали врачлар йилдан-йилга камайиб бораётгани, деган умумий қараш мавжудлиги оқибатидир.

Майли, ҳозир бу ҳақида гапирмоқчи эмасмиз. Бизни бироз хавотирга ва изланишга ундаган бошқа жиҳат бор. Бу ҳаёт-мамот масаласи саналган инсон саломатлигини асраш, айтилик, мавсумий ёки сурункали хасталигимизга (ахир иссиқ жонми!) чора топишда биринчи галда оқ халат эгаларини эмас, қўлимиздаги митти курилма ёхуд компьютер экранларида биргина киритган сўроғимиз остида пайдо бўладиган юзлаб тиббий материаллар (блоглар, видеолар, мақолалар ва ҳоказо) ни афзал кўраётганимиз билан боғлиқдир. Мавзуга турли ракурсдан қарашга ҳаракат қиламиз.

Авалло, Ўзбекистондаги турли платформаларда тиббиёт бўйича контент яратувчи блогерлар ҳамда каналлар сонини билиш учун глобал қидирув тизимларидан расмий тасдиқланган факт ва рақамлар билан қизиқдик. Не ажабки, бу борада ҳатто топқир Google, Яндекс, ChatGPT ҳам "сукут сақлаб қолди"... Бироқ мавзунини ўрганиш жараёнида дунё давлатларида айни йўналишда аллақачон илмий-амалий ҳамда социал тадқиқотлар олиб борилаётгани, статистик ўрганишлар юритилаётгани, соҳани қонуний тартибга солиш механизмлари ишлаб чиқилаётгани, олимлар, тиббиётчилар, жамоатчилик етакчилари таҳлил, танқид ва таклифлари билан афкор омманинг диққатини тортаётганига гувоҳ бўлдик.

Forbes Healthcare маълумотларига кўра, Россия давлатида ҳар ўнинчи фуқаро камда битта шифокор блогига обун бўлиб, кузатиб боради. Ҳозирда бу мамлакатда биргина Телеграмда тиббиёт, саломатлик ва фитнес йўналишида 30 мингдан ортқир канал рўйхатдан ўтган. Мутахассисларнинг фикрича, бундай фаоллик ортидан кўплаб муаммолар келиб чиқмоқда: одамларни эмлашдан воз кечишга ёки оғир касалликларда, масалан, онкологияда халқ табobati билан даволашишга ишонтирадиган блогерлар учрамоқда. Қизиги, бундай баёнотлар учун эса ҳали ҳеч ким қонуний жавобгарликка тортилган ҳолат юз берганича йўқ.

Елғон постулатларни, яъни аксиомаларни тарғиб қилувчи, беморларни чалғитувчи ва бу билан уларнинг соғлиғига тўғридан-тўғри таҳдид солувчи тиббий блогерлар муаммоси тобора долзарб бўлиб бораётган. Мисол учун, YouTubeда 3,5 миллиондан ортқир обуначиси бўлган москвалик бир шифокор юқори қон босими учун статинлар ўрнига ҳар куни сариёғ истеъмол қилишни маслаҳат берган.

Ёки илмий ва тиббиёт вакиллари бугун бутун дунёда эмланишга қарши кайфият кучайиб бораётганини ҳамда бунга асосий сабаб ўлароқ тиббий блогерлар, каналлар орқали нотўғри ахборот тарқатилаётганини таъкидламоқдалар. Баъзан ўз блогларида катталарни, болаларни қизилча ва менингит каби хавфли инфекцияларга қарши эмлашдан қайтараётган шифокорлар ҳам топилади.



БУ БИЗНИНГ ЖАМИЯТИМИЗ УЧУН ҲАМ ҒОЯТДА ТАНИШ ҲОЛАТ, ТЎҒРИМИ?!

Шуниси аёнки, оммавий тиббий контент учун ҳозирда аниқ чегаралар йўқ, журналистик тақдимот ва аслида тиббий тавсиялар сифатида қабул қилинадиган материаллар ўртасидаги чегара қаерда эканлигини аниқлаш мушкуллигича қолмоқда.

Шифокорлар, гоҳида эса ҳеч қандай тиббий маълумоти бўлмаган блогерлар ҳам саломатлик мавзуларида контент яратиш орқали ўз даромадларини сезиларли даражада ошириб бораётгани маълум. Дейлик, таниқли тиббий блогер Телеграмдаги каналига реклама постини жойлаштириш учун камида бир неча етти хонали суммани олиши кундай равшан.

"Россия Федерациясида тиббий блогерлик" китоби муаллифи, терапевт-шифокор ва ўзини шифокорлар брендмейкери деб атайдиган Владимир Нечепорукнинг сўзларига кўра, ҳатто 5 минг обуначига эга каналда ҳам даромад олишни бошлаш ва ойлик суммани 150 минг-200 минг рублга (сўмда ҳисоблаганда 25 миллиондан 35 миллионгача) етказиш мумкин. "Пул топишнинг қўлай йўли — бу реклама, — дейди В. Нечепорук. — Аммо энг юқори фойда келтирадиган нарса - бу ахборот махсулотлари: вебинарлар, маърузалар, курслар". Муаллиф исбот сифатида Санкт-Петербургдаги бир эндокринолог озиш курслари орқали 5 миллион рублга (800 млн сўмдан ошқ) даромад топаётганини келтиради.

Яна бир эътиборли факт. 2025 йилда Россия бўйлаб ўтказилган сўроғномада шифокорларнинг 21 фоизи ижтимоий тармоқларда блог ташкил қилгани аниқланди.

Шу ўринда азбаройи қизиқиш нуқтаи назаридан юртимизда ўзбек контингентига маълуму машур бўлган тиббий блогерлар қаторида турадиган доктор Исчановнинг даромади билан қизиқдик. Сунъий интеллектнинг турли аналитик платформаларга таяниб берган маълумотига кўра, унга тегишли, 5,97 миллион обуначисига эга YouTube каналининг ўзидан ойига салмоқли даромад олинар экан.

Албатта, бу билан бировнинг чўнтагини қовлаш ниятимиз йўқ, шунчаки бугун тиббиёт ва саломатлик мавзуси интернет платформалари ва ижтимоий тармоқларда оммалашиб учун ҳар томонлама қўлайлигини, оммалашиб эса даромадини кўпайтиришнинг муҳим воситасига айланганини эслатмоқчимиз. Қолаверса, айнан шифокорлар учун ҳам тиббий контент яратиш билан шугулланиш фойда топишдан ташқари шахсий брендни ривожлантириш ҳамда карьера қилишда, ҳечқурсан, ўз клиникасини очиб, мижозлар сонини оширишда қўл келмоқда.

Ҳуқуқшуносларнинг қайд этишича, назарий жиҳатдан блогерлар - шифокор бўлмаган, аммо тиббий тавсиялар берувчилар ноқонуний тиббий фаолият учун, тавсиялари одамларга зарар етказган шифокорлар эса эҳтиётсизлик оқибатида ўлимга сабаб бўлгани учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Аммо амалда блогерларнинг ҳаёт ёки соғлиққа зарар етказиш билан боғлиқ жиноятлар таркиби бўйича айбини исботлаш қийин. Бунинг учун суд-тиббий экспертизаси хулосаси зарур, у касалликнинг салбий оқибати ва блогернинг ҳаракатлари ўртасидаги тўғридан-тўғри сабабий боғлиқлиқни далиллаб бериши керак.

-Шифокорлар, хоҳ оффлайн, хоҳ онлайн бўлсин, касбий стандартлар ва қонуниликка, жумладан, фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилишлари шарт, - дейди ҳуқуқшунос, 2-даражали адлия маслаҳатчиси Шаҳноза Одинаева. - Бу махфийлик, ахборот сифати ва ишончлилиги, касбий этика ва

реклама маркировкасига тааллуқлидир. Тиббий блогерларнинг онлайн фаолиятини тартибга солиш шубҳасиз зарур. Зеро, тиббиётчи нафақат оффлайн, балки онлайн режимда ҳам ўз сўзларига жавоб беришлари керак. Чунки у қабулига келган беморга "Бу дорини ичинг" ёки "Эмланманг" деса, тиббий кўрсатма ва тавсияси фақат бир одамга, яъни ўша беморга қаратилган бўлади. Борди-ю, интернет ва ижтимоий тармоқдаги каналларида шундай баёнот берса, уни минглаб, ҳатто миллионлаб одамлар эшитиши, оқибат эса анча жиддий бўлиши мумкин.

Кўплаб блогерлар далилларга асосланган тиббиёт меъёрларига мувофиқ ишлаётганликларини айтишади, аммо ҳамма ҳам бу тамойилларга амал

Саломатлик масаласида ижтимоий тармоқларга сўяниб қолиш - бу катта хато. Ижтимоий тармоқлар орқали таълим ва ахборот олишингиз мумкин, лекин у ҳеч қачон шифокорлик қила олмайди.

қилмайди. Далилларга асосланган тиббиёт - бу шунчаки сўзлар эмас, балки тасдиқланган илмий маълумотларга асосланган ёндашувдир. Биринчидан, шифокор шахсий тажриба ёки фикрларга эмас, балки клиник тавсиялар ёки илмий-тадқиқотларга таяниши керак. Иккинчидан, у даволашни ижобий ва салбий томонларини очиқ келтириши, мўъжизавий натижани ваъда қилмаслиги лозим. Учинчидан, ҳақиқий профессионал тиббиётчи ўз малакасини - дипломлари, сертификатларини очиқ кўрсатади ва шубҳали дори воситалари ҳамда фармацевтик махсулотлар рекламасидан қоचाди. "Кўп йиллик даволаш амалиёти" ҳақида тафсилотларсиз, ноаниқ гапирадиган тиббий блогерлардан фарқли равишда ҳақиқий шифокор ҳар бир стрим ёки пост бошида тиббий маслаҳатлари умумий мазмунда эканини айтиб, саломатлик билан боғлиқ ҳар қандай муаммо юзага келганда шифокорга мурожаат қилишга ундайди. Биринчи навбатда инсонлар учун, аудитория хавфсизлиги учун қайғуради.

- Бу ерда тиббий маслаҳат билан тиббий ахборот ўртасидаги нозик чегарани аниқлаб олиш керак, - дейди Шаҳноза Одинаева. - Ижтимоий тармоқларда тиббиётга оид канал фақат ахборот ва тушунтириш билан чекланса, одатда тиббий фаолият лицензия талаб қилинмайди. Бироқ тиббий маслаҳат бериш учун тиббий фаолият лицензияси зарур. Бундай лицензия фақат муайян шахсларга белгиланган тартибда берилади. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, бугун ўзбек сегментидagi сон-саноксиз тиббий маслаҳатларни бераётганларнинг қанчаси бунга ҳуқуқли?!

Индаллоси, тиббий блогосферани тартибга солиш меъёрларини такомиллаштириш, жумладан, шифокор-блогерлар реестрини яратишга эҳтиёж ортмоқда. Тиббиёт ва соғлиқни сақлаш ҳақида маълумот тарқатувчи блогерлар тегишли маълумотга ҳамда лицензияга эга эканлиги тўғрисидаги манбани оммага кўрсатиши мажбур қилиб қўйилиши, ижтимоий тармоқларда тиббиёт мутахассиси томонидан яратилган саломатлик ҳақидаги контентни ўз ичига олган пабликлар ва саҳифалар учун махсус белгиларни жорий этиш мақсадга мувофиқ. Чунки обуначи кимнинг блогини ўқиётганини ёки кўраётганини, эшитаётганини билиши керак - соғлом турмуш тарзи фаолими у ёки тиббиёт мутахассисими...

ХЎШ, БУ МАВЗУДА ПСИХОЛОГЛАР НИМА ДЕЙДИ?

...Бемор шифокор хонасидан рецепт варақаси билан чиқаркан, ғалати туйғуни бошдан кечиради. Унинг наздида таҳлиллар юз фоиз тўғри эмас, даволашиш эса стандарт, шифокорнинг "Ҳолатингизни кузатиб тураемиз," деган умумий изоҳи соғайиб кетиши учун ҳеч қандай кафолатни бермайди. Аммо унга Телеграмда бир кишининг йиллар давомида қанча шифокорга қандай мурожаат қилганини, касаллигига "яширин яллиғланиш" ёки ортиб кетган кортизол сабаб бўлганини аниқлашунча нималарни бошдан кечиргани ҳақидаги ҳикоя шифокорнинг сўзларидан кўра кучлироқ таъсир кўрсатади.

Ҳа, ижтимоий тармоқлар тиббий ахборот ва саломатлик қодаларини инсонларга қўлай шаклда етказмоқда: тез, ҳиссий, шахсий тажриба ва самимий ҳамдардлик орқали.

Саломатлик ҳақида ҳикоя қилувчи блогерлар машҳурлигининг ўсиши умуман саломатлик мавзусига бўлган қизиқишнинг ортини билан бир вақтда содир бўлмоқда. Одамлар тўғри овқатланиш, стресснинг

олдини олиш, уйқу режими, витаминлар қабул қилиш ҳақида мустақил равишда кўпроқ ўқимоқдалар. Шу тариқа саломатлик мавзуси аста-секин "ўз-ўзини даволаш" лойиҳасига айланмоқда. Айнан шу ерда блогерларга алоҳида эҳтиёж юзага келяпти, чунки расмий тиббиёт анъанавий равишда кундалик саломатликдан кўра кўпроқ касалликлар билан шугулланади.

НИМА УЧУН БЛОГЕРЛАР ШИФОКОРЛАРДАН КўРА ИШОНЧЛИРОҚ КўРИНАДИ?

Яхши шифокор камдан-кам ҳолларда қатъий гапирари. У "Эҳтимол", "Кузатиш керак" каби иборалардан фойдаланади. Тиббиёт учун бу нормал ҳолат: инсон организм жуда мураккаб ва ҳар бир организм турлича. Аммо ижтимоий тармоқларда бундай "нутқ" деярли учрамайди. Блогер соддароқ ва ҳиссиётлироқ гапирари: "Мана, аслида менга нима ёрдам берди", "Шифокорлар йиллар давомида мендаги шу аломатларни эътиборсиз қолдиришди", "Мен рационимдан шакар, глютен ва сутни олиб ташладим ва яллиғланиш ўтиб кетди" каби мазмунда.

Pew Research Center тадқиқоти шуни кўрсатадики, ҳозирга келиб бутун дунёда аҳолининг кўпроқ ўшлар қатлами тиббий маслаҳатларни асосан ижтимоий тармоқлардан олишмоқда. Ҳатто руҳий саломатлик ва сурункали касалликлар билан боғлиқ ҳолатларда ҳам шифокор қабули эмас, ижтимоий тармоқлар афзал кўриляпти. Ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари орасида тиббий контентлар аниқлилик даражаси ва илмий асосланганлиги жиҳатидан эмас, балки қўлай ва тушуниш осонлигига қараб оммалашмоқда.

Психологларнинг тушунтиришича, мия ноаниқлиқни ёмон қабул қилади, айниқса, соғлиқ ҳақида гап кетганда. Бемор учун "хасталик кўплаб омилар билан боғлиқ бўлиши мумкин" деган ноаниқ фикрдан кўра, унинг ҳолатида аниқ сабаб бор деган фикр билан яшаш анча осонроқ.

Сурункали касалликдан азият чекаётган ёки амалиётда шифокорларнинг бефарқ, юзакли муносабатларига дуч келган инсонлар энг заиф контингент ҳисобланади. Шифокорнинг "Тахлиллар меъёрида" ёки "Камроқ асабиллашиш керак", деган сўзларини эшитавериш ҳақсали пир бўлган бемор учун танасидаги оғриқлари сабабини ишончли шаклда тушунтирган блогер ҳақиқий нажоткордек кўринади.

- Амалиётда Instagram ёки Facebookда ўқигани ва кўргани бўйича ўзича даволашишга ҳаракат қилган, натижада ҳолати яхшиланиш ўрнига баттар зўрайган беморлар ҳам учраб туради, - дейди тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, Урганч давлат тиббиёт университети Жамоат саломатлиги ва умумий гигиена кафедраси катта ўқитувчиси Наргиза Нуралиева. - Сўнгги пайтларда, айниқса, жамиятимизда ортқирча ваздан қутулиш учун турли блогерларнинг оздириш курслари, тиббий тавсияларини ва улар таклиф этаётган дори воситаларини, биологик фаол қўшимчаларни сотиб олиш ҳолатлари сезиларли кўпайган. Ёки диетологлар, косметологлар "Ун йилга... йигирма йилга ёшарасиз!" деган ваъдалар билан ижтимоий тармоқларда турли муолажаларни пост қилишга ружу қўйишган. Уларни кузатиб, айрим вазиятларда ҳатто ўзим ҳам шифокор бўлсам-да, чалғиганимни, иккиланганимни яширмайман. Аслида бу жуда хавфли ва оқибатлари аянчли тенденциядир. Кичик бир мисол. Ўша диетологлар тавсия қилаётган дори ёки БФҚ мен учун фойда бериши, лекин сиз учун заҳарга айланиши мумкин. Чунки ҳар бир инсоннинг организми, саломатлик кўрсаткичлари индивидуал. Шифокор эса ҳар бир инсонга алоҳида ёндашади.

Охириги пайтларда сунъий интеллектдан "Бошим кўп оғрийдими, нима қилай?", "Чап қорин нима сабабдан оғрийдими?" каби саволларига жавоб топиб, ўз-ўзини даволашга ўтиш ҳолатлари кўпайган. Мутахассис сифатида бунини мен асло маъқулламайман. Тўғри, поликлиникага бориб, шифокор қабулида бўлиш вақтингизни ўғирлаши мумкин. Ёки хусусий клиника фақат пулингизни "қоқиб оладиган" жойдай кўринар. Аммо саломатлик масаласида ижтимоий тармоқларга сўяниб қолиш - бу катта хато. Ижтимоий тармоқлар орқали таълим ва ахборот олишингиз мумкин, лекин у ҳеч қачон шифокорлик қила олмайди.

Фарида МАҲКАМОВА,
"Ўзбекистон овози"
муҳбири.

ГАЗЕТАМИЗДАГИ ТАНҚИДДАН СЎНГ

БУНЁДКОРЛИКЛАР БАРДАВОМ БЎЛМОҚДА

Газетамизнинг ўтган йил 16 июль кунги сонида "Савобли амал саробга айланмасин" сарлавҳали танқидий-таҳлилий мақола эълон қилинган эди. Унда Узун тумани "Гулистон" маҳалласидаги 8-умумтаълим мактаби филиалида стадион йўқлиги учун ўқувчилар қийналаётгани баён қилинганди. Саховатпеша инсон Илҳомжон Омонов ташландиқ жойни обод қилиб, ўқувчилар ҳамда маҳалла ёшларига кичик ўйингоҳ қуриб беришга қарор қилган бўлса-да, туман ҳокимлиги томонидан жиддий қаршиликлар бўлаётгани таъкидланганди. Шу билан бирга таълим даргоҳининг бир қисми фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, ўзга тарафи абгор ҳолга келиб қолган эди.

Орадан бир йилга яқин вақт ўтди. Хўш, ўйингоҳ барпо этилиб, орзулар ушалдими? Мактабга тегишли ҳудуд муаммоси ҳамда ташландиқ жой масаласи-чи?

Манзилда бўлиб фаоллар, нурунийлар ва масъуллар фикрлари билан қизиқдик.

– Туман марказидан 6 километр олисда жойлашган гўшада 4 минг нафарга яқин аҳоли, 1 минг 200 дан зиёд хўжалик бор, – дейди "Гулистон" маҳалласида ашовчи меҳнат фахрийси Носир Бердиев. – Ота-боболаримиз чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланишган. Томорқалардан унумли фойдаланилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик алоҳида эътиборда. Асаларчилик, балиқчилик, паррандачилик, касаначилик ва бошқа соҳалар назардан четда қолаётгани йўқ. Аммо ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор. Масалан, халқимизнинг 30 фоиздан ортигини ёшлар ташкил қилса-да, на кўркам дам олиш маскани, на сайилгоҳ, на хушманзара парк, на кўлаб марказ бор бизда. Ҳатто, друстроқ стадион ва сўлим гўшани ҳам учратмайсиз. Болажонлар кўча ёки тошлоқ жойларда футбол ўйнашга мажбур.

Шуларни инобатга олган хотамтой ҳамқишлоғимиз Илҳомжон Омонов ўтган йилнинг бошларида ўз маблағи ҳисобидан "мини стадион" қуриб бермоқчи бўлганди. Хайрли иш бошланди-ю, негадир бирдан ўз ҳолига ташланди. Янаям тўғриси айтганда, ташаббус бўй кўрсатмасдан бўлди.

Муаммони ҳал қилиб беришларини сўраб бормаган ташкилот-у, эшигини қоқмаган масъулимиз қолмади ҳисоб. Сайёр ва кўча қабулларда бўлганимиз. Таассуфки, офриқли масала ечим топмади.

Кўпчилик бўлиб "Ўзбекистон овози" газетаси таҳририятига мурожаат қилганимиздан кейин туман ҳокими ҳолатни жойида ўрганди. Масъуллар ва



Аввалги ҳолат

Ҳозирги ҳолат

мутахассислар келишди. Нурунийлар ва аҳоли вакиллари билан тақлифи билан "Гулистон"да янги маҳалла идораси ҳамда кўркам ўйингоҳ қуришга келишиб олинганди.

– Ўттиз йилча олдин шу мактабда ўзим ўқиган бўлсам, ҳозирги кунда фарзандларимиз таълим-тарбия олмақда, – дейди маҳалла фаоли Илҳомжон Омонов. – Болаларимиз учун 220 миллион сўмга кичик ўйингоҳ қуриб беришни мақсад қилганимиз. Эзгу ташаббусга бир неча саховатпеша ҳомий ва олижаноб инсонлар ҳам қўшилганди.

Ҳужжат ишлари бошланиши билан сунъий тўсиққа дуч келдик. Айрим мансабдорларда эскича қараш ҳолати кузатилган бўлса, баъзи амалдорлар ўзларини олиб қочадиган бўлишди биздан. Хуллас, орзулар саробга айлиб, ўйингоҳдан буткул кўнглимиз совиди.

Ҳар ишда бир ҳикмат бор деганларидек, жорий йилнинг бошларида ўқувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида дастлаб мактаб филиалининг ҳовли қисмида махсус темир тўсиқ ўрнатилган бўлса, ундан кейин маҳалла идораси қурилиши бошлаб юборилди. Лойиҳа қиймати қарийб 300 миллион сўм бўлган кўркам иншоотда 5 та хона ва мўъжаз зал бор. Замонавий жиҳоз ва ускуналар олиб келинди. "Гулистон"нинг янги биноси истиқлолимизнинг 35 йиллик айёми олдиндан бизга ҳақиқий байрам тўхфаси бўлди.

...Маҳалланинг собиқ биноси ўрнида кичик ўйингоҳ барпо этиш кўзда тутилгани эса янада қувонарли бўлди, дейиш мумкин. Узунлиги 25-30, эни эса 13-15 метр келадиган жойда ажойиб мажмуа қад ростлашига ишонаман. Халқимизнинг кўп йиллик орзуси ушалгани учун "Ўзбекистон овози" газетаси таҳририяти, Узун тумани ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимликларидан миннатдоримиз.

– Сизлар кўриб турган мана бу мактаб филиали ўтган асрнинг 65-70 йилларида ҳашар йўли билан барпо этилган, – дейди маҳалла фаоли Хўшвақт Ражабов. – Ундан кейин эса 2010 йилларда қайта таъмирланганди. Даргоҳ ҳудуди 15 сотихдан ортиқ бўлганини кўпчилик яхши билади. Йиллар ўтиши билан бир қисми аҳоли томорқасига қўшиб олинган бўлса, орқа тарафи тош девор билан "иҳоталанганди".

Яхшиям, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар бор экан. Узун туман

прокуратурасининг саъй-ҳаракати билан 2023 йилда 5 сотихча фой (эни – 3, бўйи – 35-40 метр) филиал тасарруфига қайтарилди. Ҳечдан кўра кеч деганларидек, ёшларимиз учун янги стадион қурилишини эшитиб, янада хурсанд бўлдик. Эллик-олтмиш йиллик ниятлар ижобат бўлаётгани учун ташаббускорларга раҳмат.

– Президентимиз ташаббуси билан жорий йил мамлакатимизда Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили деб эълон қилинди, – дейди Ўзбекистон ХДП Узун туман кенгаши раиси Ибодулло Мусурмонов.

– Шунга монанд "Гулистон"да ҳам ўзига хос яратувчилик ишлари амалга оширилмоқда. Янгиланиш ва ўзгаришларга гувоҳ бўлиш мумкин. Йил якунигача 2,7 километрга электр тармоғи тортиш, 3 километрга яқин пиёдалар йўлакчаси қуриш ва 2,7 километр жойга бетон ариқ (лоток) ўрнатиш режалаштирилган. Шу билан бир қаторда, тегишли жойларга 80 та кўча чироғи ҳамда 30 та янги ўриндиқ қўйилиши лозим. Лойиҳа қиймати қарийб 3 миллиард 300 миллион сўм бўлган ишларни сифатли амалга ошириш устувор вазифа қилиб белгиланган.

– Энди бевосита футбол майдончаси масаласига тўхталсангиз, – сўраймиз туман кенгаши раиси Ибодулло Мусурмоновдан. – Хўш, ўйингоҳ қуриладими ёки қолган ишга яна қор ёғадими?

– Оғриқли муаммо масъулларнинг доимий диққат марказида, – сўхбатни давом эттиради Ибодулло Мусурмонов. – Ҳозирги кунда ҳужжат ва лойиҳалар ишлари яқиний босқичда. Янги мажмуа, албатта, ўз вақтида фойдаланишга топширилади. Бу фарзандларимиз учун ҳам, устозлар учун ҳам, ота-оналар учун ҳам айни муддао бўлишига ишонаман.

Ҳимматли ва баргикенг халқимиз бор. Замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам одимлаётган ортодошларимиз кўпчиликини ташкил қилади. Ана шундай ташаббускор ҳамда янгиликка интилувчан инсонларнинг саъй-ҳаракати билан жонажон диёримиз кўркам қиёфа касб этмоқда. Кундан-кунга чирой очиб, тараққий этаётгани табиий. Буни мамлакатимизнинг жанубий сарҳадида жойлашган Узун туманида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва кенг қўламли ислохотлар замирида ҳам кўриш мумкин.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

тақиқланади.

Иш ташлашда куйидагиларнинг қатнашиши мумкин эмас ҳамда улар иштирокидаги иш ташлаш тақиқланган ҳисобланади:

- тиббиёт ходимлари;
- давлат органининг ваколатларини амалга ошириш учун Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган шахслар;
- ҳарбий хизматчилар, судьялар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг махсус (ҳарбий) унвонларга ёки мартаба (малака, мансаб) даражаларига эга ходимлари;
- энергия ва сув таъминоти тизими ташкилотлари ходимлари;
- алоқа тизими ходимлари.

Агар Меҳнат кодекси ва бошқа қонунларда назарда тутилган талабларни бузган ҳолда иш ташлаш амалга оширилган ёки иш ташлашни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, бу ноқонуний иш ташлаш деб топилади.

Бундан ташқари, иш ташлаш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик ҳам белгиланди.

Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан 3 ой ўтгач кучга қиради.

Манба:
<https://t.me/quqiyaxborot>

СПОРТ

Футбол:

ЎЗБЕКИСТОН – КОЛУМБИЯ УЧРАШУВИНИ ЭНТОНИ ТЕЙЛОР БОШҚАРАДИ



Жаҳон чемпионатида гуруҳ босқичининг биринчи тур учрашувлари давом этмоқда. Маълумки, Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўз тарихида илк бор мундиал финал босқичида иштирок этмоқда. Фабио Каннаваро қўл остидаги жамоамиз "К" гуруҳида Португалия, Колумбия ва Конго Демократик Республикаси терма жамоалари билан баҳс олиб боришади.

Терма жамоамиз мундиалдаги илк учрашувини 18 июнь кuni Мексика пойтахти Мехико шаҳридаги "Ацтека" стадионида Колумбияга қарши ўтказди. Мусобақа Тошкент вақти билан соат 07:00 да бошланади.

ФИФА қарорига кўра, мазкур учрашувни англиялик таниқли ҳакам Энтони Тейлор бошқариб боради. Унга қанотларда ҳамюртлари Гари Бесвик ва Адам Нанн ёрдам беради. Тўртинчи ҳакам сифатида коста-рикалик Хуан Кальдерон, захира ёрдамчи ҳакам сифатида эса унинг ҳамюрти Хуан Карлос Мора фаолият олиб боради.

Енги атлетика:

АНВАР АНВАРОВ ОЛТИН МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ



Швециянинг Соллентуна шаҳрида енгил атлетика бўйича "Folksam Gran-pri" мусобақаси бўлиб ўтди. Мазкур мусобақада Европанинг етакчи атлетлари ҳамда халқаро майдондаги кучли спортчилар иштирок этишди.

Эркалар ўртасида узунликка сакраш баҳсларида иштирок этган ҳамюртимиз Анвар Анваров барча рақибларидан устун келди. Спортчимиз иккинчи уринишда 8,23 метр натижа кўрсатиб, мусобақа якунига қадар энг яхши кўрсаткич билан олтин медални қўлга киритди.

Пара академик эшак эшиш:

ЖАҲОН КУБОГИДА ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ҲОЛИБ БЎЛДИ



Болгариянинг Пловдив шаҳрида пара академик эшак эшиш бўйича дунёнинг 22 давлатидан қарийб 400 нафар спортчи иштирок этаётган Жаҳон кубогининг иккинчи босқич баҳслари терма жамоамиз учун муваффақиятли ўтмоқда. Хусусан, мусобақада иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Дирбек Бойбўлсинов ва Мухайё Абдусатторова PR2 MIX2х дастури финал баҳсида барча рақибларини орта қолдириб, олтин медал сохибига айланди.

Ҳамюртларимиз масофани 8:25.10 дақиқада босиб ўтиб, марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтди.

Интернет материаллари асосида Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.

"Ўзбекистон овози" газетаси таҳририяти жамоаси ҳамкасбимиз, Самарқанд давлат университети матбуот котибияти мудир Фаррух Ҳамроевга қизи
Барчиной ҲАМИДУЛЛАЕВАнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

КИМЛАР ИШ ТАШЛАШДА ҚАТНАШИШИ МУМКИН ЭМАС?

Ўзбекистонда меҳнат муносабатларини янада такомиллаштириш ва ходимларнинг жамоавий ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида янги ҳуқуқий механизмлар жорий этилмоқда. Шу мақсадда қабул қилинган қонун (ЎРҚ–1150-сон, 2026 йил 11 июнь) билан айрим қонун ҳужжатларига муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу янгиликлар орасида жамоавий меҳнат низоларини ҳал қилишнинг сўнгги чораси сифатида иш ташлаш институтининг ҳуқуқий тартиби аниқ белгилаб берилгани алоҳида аҳамиятга эга.

Эътиборли жиҳати, иш ташлашда қатнашиш ихтиёрийдир. Ҳеч ким иш ташлашда қатнашишга ёки унда қатнашмасликка мажбур қилиниши мумкин эмас.

Иш ташлашни эълон қилиш тўғрисидаги қарор ташкилот ходимларининг умумий йиғилишида қатнашаётган ходимларнинг 50 фоизидан

кўпроги ёқлаб берган овози билан қабул қилинади. Қарор қабул қилиш иш ташлаш бошланишидан камда 1 ой олдин амалга оширилади.

Касаба уюшмаси қўмитаси иш ташлашни эълон қилиш тўғрисидаги қарор ҳақида иш берувчини қарор қабул қилинган пайдан 1 иш кунидан кечиктирмай ёзма равишда хабардор қилиши керак.

Иш берувчи бўлажак иш ташлашни эълон қилиш тўғрисида ёзма хабарномани олган пайдан эътиборан 1 иш кунидан кечиктирмай жамоавий меҳнат низоларини тартибга солиш бўйича давлат органларини ёзма равишда огоҳлантиради.

Иш ташлашга касаба уюшмаси қўмитасининг ваколатли вакили раҳбарлик қилади.

Ходимнинг иш ташлаш билан боғлиқ жараёнда иштирок этгани уни интизомий жавобгарликка тортиш учун асос сифатида кўриб чиқиши

мумкин эмас.

Иш ташлаш пайтида унда иштирок этадиган ходимнинг иш жойи ва лавозими сақланиб қолади.

Иш берувчи ходимга у иш ташлашда қатнашган вақтида иш ҳақини тўламаслик ҳуқуқига эга.

Иш ташлаш инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарса, тинчлик ва хавфсизликка, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, экологик барқарорликка таҳдид солса, суднинг қарорига асосан:

- эълон қилинган иш ташлашнинг бошланиш вақти 30 календарь кундан кўп бўлмаган муддатга кечиктирилиши;
- иш ташлаш 30 календарь кундан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

Фавқулодда ҳолат ёки фавқулодда вазиятлар пайтида, уруш ҳолатида, умумий сафарбарлик эълон қилинган даврда иш ташлаш

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

O'zbekiston Ovozi

ТАҲРИР НАҲҲАТИ:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihiiddin MUHIDDINOV

Olim RAVSHANOV

Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uezbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «Ўзбекистон овози» материалларини ко'чириб босиш фақат таҳририят рuxсати билан амалга оширилади.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 637. 4002 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 19:45

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda